

**МАИШИЙ ТРАВМАТИЗМ: САБАБЛАРИ, ОҚИБАТЛАРИ  
ВА ОЛДИНИ ОЛИШ ЧОРАЛАРИ**

**Мирахмедов Шавкат Мирахмедович** - Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий маркази Тошкент вилояти филиали, суд-тиббий эксперт



**Сулайманова Шоира Шарифжановна** - Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий маркази Тошкент вилояти филиали, суд-тиббий эксперт



**Лочинов Фарход Назарович** - Тошкент тиббиёт академияси “Суд тиббиёти ва тиббиёт ҳуқуқи” кафедраси катта ўқитувчиси, тиббиёт фанлари номзоди



**Аннотация.** Ушбу мақолада Чиноз тумани аҳолиси орасида миший травматизмнинг ретроспектив тахлили маълумотлари берилган. Тахлил натижаларига кўра, йиллар давомида ушбу жароҳатланиш сони ошиб борган. Аҳоли ёши ошиб бориши давомида миший травматизм кўрсаткичларини камайганлиги, эркакларга нисбатан аёлларда кўпроқ учраши аниқланди. Шунингдек, жароҳатланиш ёз ойларида ва суткани кундузги қисмida кўп рўй бериши қайд этилди.

**Калит сўзлар:** травматизм, миший травматизм, суд-тиббий экспертиза, профилактик чоралар.

**Аннотация.** В статье приведены данные ретроспективных анализов бытового травматизма среди населения Чиназского района. За проанализированное время бытовой травматизм среди населения постоянно увеличивалось. Бытовой травматизм с возрастом постепенно снижается, у женщин встречается больше, чем у мужчин. В основном полученные травмы приходится на летние месяцы и дневное время суток.

**Ключевые слова:** травматизм, бытовой травматизм, судебно-медицинская экспертиза, меры профилактики.

**Abstract.** The article presents data from retrospective analyses of domestic injuries among the population of Chinaz district in Tashkent region. During the analyzed period, domestic injuries among the population have been constantly

increasing. Domestic injuries gradually decrease with age, and are more common among women than among men. Most injuries occur in the summer months and during the daytime.

**Key words:** injuries, domestic injuries, forensic medical examination, preventive measures.

**Мавзуни долзарбилиги.** Жаҳоннинг барча мамлакатларида сўнгти даврда шикастланишларнинг қўпайиши ва уларнинг таркибида мураккаб жароҳатларнинг етказилиши билан боғлиқ ҳолатлар улушининг ортаётгани кузатилмоқда. Бир хил меҳнат ва турмуш шароитида бўлган шахсларнинг гурухида кузатиладиган турдош жароҳатларнинг мажмуи *травматизм* деб номланади. Шахсларнинг фаолиятининг хусусиятлари билан боғлиқ тарзда травматизмнинг бир неча турлари (*ишлаб чиқарии, транспорт, ҳарбий, кўча, спорт, мактаб, майший*) фарқланади [5, 6].

Юқорида кўрсатилганлар орасида травматизмни майший тури қўп учрайди. Майший травматизмни ишлаб чиқаришга боғлиқ бўлмаган баҳтсиз ҳодисалар ташкил этади. Улар уйи ичида, уйини ховлисида, хонадонида, шахсий гаражида, дала ховлисида ва бошқа жойларда рўй бериши мумкин.

Майший травматизмни бир неча турлари фарқланади. Биринчи гурухни уй ишлари (овқат тайёрлаш, бинони таъмирлаш ва тозалаш ишлари, иситиш мосламалари билан ишлаш, уй хайвонлари ва парандаларни парвалишлаш) ташкил этади. Жароҳатлар асосан шилинма, қонталаш, лат ейиш, яра ва термик куйиш кўринишида бўлади. Уларнинг 2/3 қисми термик куйишга тўғри келади, кўпинча кафт ва қўл бармоқлари жароҳатланади. Иккинчи гурухи – асосан ховлида, хонодонда ҳаракатланиш ва йиқилиш натижасида содир бўлади. Майший травматизмни ушбу гуруҳига қўпинча пайларни жароҳатланиши, суяклар синиши ва чиқиши хосдир. Учунчи гурухни – турли хил майший эксцессларда (зўрлик ишлатиш, муштлашиш, хужум қилиш, оиласвий жанжаллар) жамоат тартиби қоидаларини бузилиши оқибатидаги баҳтсиз ҳодисалар ташкил этади. Улар кўпинча спиртли ичимликлар суистельмоли натижасида, асосан дам олиш ва байрам кунларида содир бўлади.

Травматизмнинг ижтимоий, иқтисодий ва ижтимоий-психологик муаммолари (бир вақтда қўплаб қишиларни жароҳатланиши, айrim ҳолларда даволашда организмни олдинги ҳолатига қайтаришни қийинлиги, меҳнатга яроқсизлик даражасини юқорлиги, беморнинг кейинги ҳаёт сифати ва даражасига, турмуш тарзига, жамиятни иқтисодий-ижтимоий ривожланганлик даражасига салбий таъсири) турли соҳа мутахасислари томонидан ўрганилган [6, 7, 8, 9, 10].

Айни вақтда суд-тиббий экспертиза хизмати ходимлари ўзларининг асосий

вазифаси (жиной ва фуқаро ишларини суриштириш, тергов килиш ва судда кўриш жараёнида вужудга келадиган тиббий-биологик масалаларни ҳал этиш) билан бир қаторда экспертиза материаллари бўйича ахолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини яхшилаш, травматизмнинг турли кўринишлари, заҳарланиш, тўсатдан ўлим ва бошқа бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида тавсиялар ишлаб чиқиши муҳим аҳамият касб этади.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Суд-тиббий экспертиза материаллари бўйича майший травматизм ҳолатининг ўрганиш ва статистик тахлил қилиш йўли билан унга суд-тиббий баҳо бериш.

**Текширув натижалари ва муҳокамаси.** Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий маркази Тошкент вилоят филиали Чиноз туман бўлинмасида 2022-2023-2024 йилларда тирик шахсларга оид ўтказилган эксперт хулосалари ўрганилди ва статистик кўрсатгичлар тахлил қилинди.

2022 йил давомида жами 428 та тирик шахсларга оид суд-тиббий экспертизалар ўтказилган. Жами экспертизаларнинг 247 таси (57,7%) майший травматизм ҳиссасига тўғри келади. Улардан 8 таси (3,2%) оғир даражали, 19 таси (7,7%) ўрта оғирликдаги, 27 таси (10,9%) соғлиқни қисқа муддатга бузилишига олиб келган енгил ва 144 таси (58,3%) соғлиқни қисқа муддатга бузилишига олиб келмаган енгил даражали тан жароҳатлар эканлиги аниқланган. Жумладан, 49 та (19,8%) ҳолатда тан жароҳатлари аниқланмаган. Тан жароҳатлари 117 та ҳолатда (47,4%) эркакларда, 130 та ҳолатда (52,6%) аёлларда аниқланган. Ёши бўйича тахлил қилганда: 18 ёшгача 16 та (6,5%), 18-30 ёшгача 81 та (32,8%), 30-40 ёшгача 84 та (34,0%) 40-50 ёшгача 24 та (9,7%), 50-60 ёшгача 27 та (10,9%) ва 60 ёшдан юқори 15 та (6,1%) ҳолат аниқланган. Йил фасллари бўйича тахлил қилинганда - қишида 48 та (19,4%), баҳорда 45 та (18,2%), ёзда 99 та (40,1%) ва қузда 55 та (22,3%) жароҳат олганлиги қузатилган. Хафта кунлари бўйича – душанба 40 та (16,2%), сешанба 43 та (17,4%), чоршанба 31 та (12,5%), пайшанба 28 та (11,3%), жума 33 та (13,3%), шанба 23 та (9,3%), якшанба 49 (19,8%) жароҳатланиш ҳолатлари аниқланган. Сутка қисмлари бўйича - 137 таси (55,5%) кундизи ва 110 таси (44,5%) тунги вақтда тан жароҳати олган. Ҳодиса содир бўлган жой ўрганилганда - 119 ҳолатда (48,2%) уйида, 128 ҳолатда (51,8%) бошқа жойда рўй берганлиги қайд этилган. Тан жароҳати олганларнинг 179 таси (72,5%) даволаш муассасасига мурожаат қилган ва 68 таси (27,5%) даволаш муассасасига мурожаат қилмаганлиги аниқланган. Юқоридагиларни 203 таси (82,2%) муҳим иш жойига эга бўлмаганлар ташкил этган.

2023 йил давомида жами 485 та тирик шахсларга оид суд-тиббий экспертизалар ўтказилган. Жами экспертизаларнинг 301 таси (62,1%) майший

травматизм ҳиссасига түғри келади. Улардан 11 таси (3,6%) оғир даражали, 33 таси (11,0%) ўрта оғирликдаги, 34 таси (11,3%) соғлиқни қисқа муддатга бузилишига олиб келган енгил ва 158 таси (52,9%) соғлиқни қисқа муддатга бузилишига олиб келмаган енгил даражали тан жароҳатлар эканлиги аниқланган. Жумладан, 65 та (21,6%) ҳолатда тан жароҳатлари аниқланмаган. Тан жароҳатлари 147 та ҳолатда (48,8%) эркакларда, 154 та ҳолатда (51,1%) аёлларда аниқланган. Ёши бўйича таҳлил қилганда: 18 ёшгача 34 та (11,3%), 18-30 ёшгача 85 та (28,2%), 30-40 ёшгача 101 та (33,5%) 40-50 ёшгача 41 та (13,6%), 50-60 ёшгача 41 та (13,6%) ва 60 ёшдан юқори 29 та (10,0%) ҳолат аниқланган. Йил фасллари бўйича таҳлил қилинганда - қишида 43 та (14,2%), баҳорда 87 та (28,9%), ёзда 108 та (35,9%) ва қузда 87 та (28,9%) жароҳат олганлиги кузатилган. Хафта кунлари бўйича – душанба 52 та (17,2%), сешанба 33 та (11,0%), чоршанба 45 та (15,0%), пайшанба 37 та (12,3%), жума 34 та (11,3%), шанба 47 та (15,6%), якшанба 53 (17,6%) жароҳатланиш ҳолатлари аниқланган. Сутка қисмлари бўйича - 153 таси (51,0%) кундузи ва 148 таси (49,0%) тунги вақтда тан жароҳати олган. Ҳодиса содир бўлган жой ўрганилганда - 164 ҳолатда (54,5%) уйида, 137 ҳолатда (45,5%) бошқа жойда рўй берганлиги қайд этилган. Тан жароҳати олганларнинг 175 таси (58,0%) даволаш муассасасига мурожаат қилган ва 126 таси (42,0%) даволаш муассасасига мурожаат қилмаганлиги аниқланган. Юқоридагиларни 247 таси (82,0%) муқим иш жойига эга бўлмаганлар ташкил этган.

2024 йил давомида жами 517 та тирик шахсларга оид суд-тиббий экспертизалар ўтказилган. Жами экспертизаларнинг 311 таси (60,2%) майший травматизм ҳиссасига түғри келади. Улардан 13 таси (4,18%) оғир даражали, 25 таси (8,0%) ўрта оғирликдаги, 39 таси (12,5%) соғлиқни қисқа муддатга бузилишига олиб келган енгил ва 179 таси (57,5%) соғлиқни қисқа муддатга бузилишига олиб келмаган енгил даражали тан жароҳатлари эканлиги аниқланган. Жумладан, 55 та (17,7%) ҳолатда тан жароҳатлари аниқланмаган. Тан жароҳатлари 139 та ҳолатда (44,7%) эркакларда, 172 та ҳолатда (55,3%) аёлларда аниқланган. Ёши бўйича таҳлил қилганда: 18 ёшгача 27 та (8,7%), 18-30 ёшгача 104 та (33,4%), 30-40 ёшгача 107 та (34,4%), 40-50 ёшгача 45 та (14,5%), 50-60 ёшгача 12 та (3,9%) ва 60 ёшдан юқори 16 та (5,1%) ҳолат аниқланган. Йил фасллари бўйича таҳлил қилинганда - қишида 53 та (17,0%), баҳорда 73 та (23,4 %), ёзда 117 та (37,6%) ва қузда 68 та (22,0%) жароҳат олганлиги кузатилган. Хафта кунлари бўйича – душанба 42 та (13,5 %), сешанба 50 та (16,1%), чоршанба 33 та (10,6 %), пайшанба 46 та (14,8%), жума 36 (11,5 %), шанба 48 та (15,4%), якшанба 56 та (18,0%) жароҳатланиш ҳолатлари аниқланган. Сутка қисмлари бўйича - 186 таси (69,8%) кундузи ва 125 таси (39,2%) тунги вақтда тан жароҳати олган. Ҳодиса содир бўлган жой

ўрганилганда - 171 ҳолатда (55,0%) уйида, 140 ҳолатда (45,0%) бошқа жойда рўй берганлиги қайд этилган. Тан жароҳати олганларнинг 194 таси (62,3%) даволаш муассасасига мурожаат қилган ва 117 таси (37,6%) даволаш муассасасига мурожаат қилмаганлиги аниқланган. Юқоридагиларни 258 таси (83,0%) муқим иш жойига эга бўлмаганлар ташкил этган.

Таҳлил натижаларига кўра, охирги 3 йил давомида тирик шахсларга оид тайинланган жами (1427 та) суд-тиббий экспертизаларнинг 60,2 фоизи майший травматизм бўйича, шундан 3,8% оғир даражали, 8,9% ўрта оғирликдаги, 11,7% соғлиқни қисқа муддатга бузилишига олиб келган енгил ва 55,9% соғлиқни қисқа муддатга бузилишига олиб келмаган енгил даражали тан жароҳатлар юзасидан ўтказилганлиги қайд этилди. Жароҳатланганларнинг кўпчилигини (53,1%) аёллар ҳамда 18-30 (31,5%) ва 30-40 (33,9%) ёш оралиғидаги шахслар ташкил этган. Йилнинг баҳор (26,3%) ва ёз (35,3%) фаслларида, хафтани якшанба кунида (16,1%) ва суткани кундузи қисмида (55,4%) жароҳатланиш юқорилиги аниқланди.

**Хулоса.** Юқоридагилардан келиб чиқиб, майший травматизм билан боғлиқ ноҳуш ҳолатларини вужудга келишида аҳамиятли бўлган омилларни (майший техникадан жумладан, электр жиҳозлардан фойдаланиш қоидаларига риоя қилмаслик, майший техникаларни носозлиги, спиртли ичимликлар суистеъмол қилиш, уй-рузғор ишларни бажаришдаги шошмашошарлик ва эътиборсизлик, бир қатор руҳий касалликларни психологик қўзғолиш даври ва бошқ.) ўрганиш ва уларни бартараф қилишга қаратилган профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқиши ҳамда майший травматизмнинг турли кўринишларии бўйича махаллаларда, мактаблар, олий ва ўрта маҳсус таълим муассасаларида мунтазам тарзда кенг тушунтириш ишларини олиб борища ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари билан бир қаторда тиббиёт ходимларининг ҳам иштироки муҳим аҳамият касб этади.

### Адабиётлар;

1. Ўзбекистон Республикаси “Суд экспертиза тўғрисида” ги қонуни. 2010 йил 1 июн.
2. “Sud-tibbiyot ekspertizasi tadqiqotlarini o’tkazish tartibi to‘g‘risida” Nizom. O‘zbekiston Respublikasi Sog‘liqni saqlash vazirligining 9-sonli buyrug‘i. 2025 yil 13 yanvar.
3. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг “Тан жароҳатларининг оғирлик даражасини аниқлаш қоидалари” тўғрисидаги 153-сонли буйруғига 2-илова. 2012 йил 01 июн.
4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг “Суд-тиббий экспертиза текширувларининг ўтказиш стандартларини тасдиқлаш” тўғрисидаги

82-сонли буйруғи. 2015 йил 04 апрел.

5. Голухов Г.Н., Редько И.Н. Травматизм взрослого населения //Здравоохранение Российской Федерации. –М., -2007. -№5. -С.49-51.
6. Ғиёсов З.А. Суд тиббиёти //Тиббиёт олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик. - Тошкент, “Global Books” нашриёти, 2018.
7. Искандаров А.И. и др. Экспертная оценка бытового травматизма и меры профилактики. //Здравоохранение Российской Федерации. –М., -2007. -№5. -С.12-13.
8. Лочинов Ф.Н., Баҳриев И.И. Ишлаб чиқариш травматизмининг суд-тиббий аҳамияти //ТТА ахборотномаси. №10, 2022. 141-144 б.
9. Лочинов Ф.Н., Мирзахмедов Ж.М. Тан жароҳатини оғирлик даражаси аниқланмаган ҳолатларнинг суд-тиббий таҳлили //ТТА ахборотномаси. Махсус сони, 2023. 115-118 б.
10. Семенюта А.П. и др. Травматизм социально-гигиеническая проблема //Травматология и ортопедия в современном спектре: Матер. VII-съезда травматологов и ортопедов Узбекистана. –Ташкент, 2008. –С.27-29.